*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**26 декабрь**
ШАНБА
**№ 103** (12843)

**www.th.uz**

Таълим

## ИМКОНИЯТЛАР ЧЕКСИЗ

**Ёшларимизнинг пухта таълим-тарбия олишлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида янги таълим муассасалари барпо этилмоқда, мавжудлари замонавий талаблар асосида тубдан таъмирланмоқда.**

– Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, – дейди Олмалиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи касбий таълим бўйича директор ўринбосари Феруза Эрматова. – Чунки, улар учун имконият ҳам, имтиёз ҳам етарли.

Коллеждаги 11 та йўналишда 960 ўқувчи таълим олмоқда. Улар 60 йўналишдаги тўгаракларда дарсда ўрганганларини мустаҳкамлаш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар.

(Давоми 2-бетда).



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2016 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 23 декабрь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ VII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг VII сессияси 2015 йил 28 декабрь куни соат 17.00 да чақирилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 22 декабрь.

## СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимиз узоқ йиллар орзиқиб кутган энг муҳим қадриятлар, жумладан, давлатимизнинг суверенлиги, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланиши, демократия умуминсоний принципларга асосланиши ҳамда уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, юртимизда қонунлар устунлиги сўзсиз тан олиниши, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари, кўппартиявийликдир.**

Бундан ташқари, Конституция барқарорлиги билан ҳам бошқа қонунлардан фарқ қилади. Яъни, Конституцияда жамоатчилик ва давлатчиликнинг асосий принциплари мустаҳкамланиб қўйилгани ва у узоқ муддатга мўлжаллангани ҳамда бошқа қонунлардан фарқли ўлароқ, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартибининг махсус жараёни яратилган. Яъни, Конституция ҳар қандай қонун, қарор ва фармойишлар учун асос вазифасини ўтайдиган ҳужжатдир. Жумладан, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатига таъсир этувчи оммавий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Конституцияси нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда тинчликни сақлаш, барқарор тараққиётни изчил давом эттириш, ҳудудий, этник, маданий яхлитлик, бир бутунлик ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ўзимиз танлаган "ўзбек модели" йўлидан изчил, оғишмай ва собитқадамлик билан тараққий этишимиз мумкинлигини кўрсатиб берди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

## БУ КАСАЛГА ҚАРШИ ҲАММА КУРАШИШИ КЕРАК

**Дунёда ОИВ инфекциясини юқтириб олганлар 35 миллиондан ошди. Бир кунда 7000 та, бир соатда 300 одам шу касалликка чалинмоқда. Ўзбекистонда бир кунда 10 кишига ОИВ инфекцияси юқмоқда. Вилоятда 5028 шахс ОИВ инфекцияси билан яшамоқда...**



Вилоят ҳокимлигида мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республика ва вилоят ОИТСга қарши курашиш марказлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида давра суҳбати уюштирилди.

Мақсад қарор ижросини таҳлил қилиш, ОИВ инфекцияси билан боғлиқ эпидемик вазият ҳақида маълумот бериш, касалликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ижтимоий ҳамкорлик асосида олиб боришдир.

– Ҳозирги кунда дунёнинг долзарб муаммоларидан бўлган ушбу бедаво дардга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир, – деди вилоят ҳокимлиги, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Насиба Қулбекова. – Лекин, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ушбу касалликка чалиниб қолаётганларга нисбатан инсонпарварлик тамойиллари асосида муносабатда бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, бағрикенглик билан кўпгина муаммоларнинг ечимини топса бўлади.

– Президентимиз қарори билан республикада ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминлайдиган, замон талабларига жавоб бера оладиган ягона тизим тасдиқланди, – деди вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бўлим мудири Роҳила Юсупова. – Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари мазкур тизимнинг асоси этиб белгиланган. Ушбу касалликка қарши кураш бўйича вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар олиб бораётган тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида республика комиссияси ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари билан аҳолини янада яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Муносабат

**Яқинда "зангори экран" орқали қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ отахону онахонлар "Ангрен – Поп" йўналишидаги электрлаштирилган темир йўл қурилишини кузатиб, қалбларида жўш урган ҳис-туйғуларини тўлиб-тошиб изҳор этдилар.**

## ЯШАГАН САРИ ЯШАГИМИЗ КЕЛАДИ!

Дарҳақиқат шундай. Ажойиб бир даврнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Яшаган сари яшагимиз келаяпти. Юрт ободлиги, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшгимиз келаяпти, дея ҳайқиргимиз бор!..

Бош қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан давлатимиз раҳбарининг маърузаси олис истиқболни белгиловчи нурли йўлни кўрсатиб берди. "Менга қолса, бундан кейинги йилларни ҳам Кексаларни эъзозлаш йили деб атаган бўлардим!", деган сўзлари ёши улуғлар у ёқда турсин, навқирон авлод кўзларида ҳам қувонч учқунларини чақнатиб юборди! Аммо тавсия этилган янги йил номи бундан-да улуғвор эди: "Соғлом она ва бола йили!"

Ушбу атама ҳақиқий маънода буюк истиқболимизга кенг ва нурли йўл очади. Ҳамма соҳада пойдеворнинг мустаҳкам бўлиши муваффақиятлар гаровидир. Зеро, соғлом оналардан туғилажак соғлом фарзандлар буюк келажак режаларини амалга оширадилар. Бундан қувонмай бўладими! Шундай экан, биз, нуроний ва фахрийлар авлодларимизга ҳар соҳада ибрат бўлмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу гапларим ҳавойи эмаслигини камтарона меҳнатимнинг айрим натижалари билан исботламоқчиман. Бир пайтлар вилоятнинг тоғолди лалми ерларида терассалар ясалган-у, кўчат экилмай, ташлаб кетилган эди. Шу майдонларнинг етти гектарида шартнома асосида боғ яратишга киришдим. Бодом, ўрик, олма, узум, нок каби мевали дарахт кўчатларини хумсонлик боғбонлардан харид қилиб экиб, астойдил парваришлай бошладим. Мана энди бу кўчатлар вояга етиб, бирин-кетин ҳосилга кирмоқда.

Боғ деганлари ҳосилга кириб, мева беради, вақт ўтиб, "кексаяди", "ишдан чиқади". Келгусида кўчатларга муҳтож бўлмаслик учун майдончанинг бир қисмида кўчатзор барпо этмоқчиман. Ишлар янада унумли ва серзавқ бўлиши учун боғим бағрида асалари боқиш, доривор гиёҳлар етиштириш каби режаларим ҳам бор.

Демоқчиманки, боғ-роғ яратиб, парваришлаб, аввало, соғлом бўламиз, қолаверса, бундай ҳаракатлар муҳтарам Президентимизнинг улуғвор даъватларига жуда-жуда мос тушади! Яъни, эъзозланаётган кексалар боғ-роғлар яратиб, оналар ва болалар саломатлигига муносиб улуш қўшсалар, қандай яхши!

**Асад АСИЛ.**

Матбуот анжумани

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари – умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

## САРАЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Республика Президентининг мамлакат Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда 2015 йилда миллий журналистика соҳасида амалга оширилган ишларни баҳолаш, Соғлом она ва бола йилида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, жамоатчилик назорати жараёнида ОАВнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган анжуманда миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорли ёш журналистларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида оммавий ахборот воситалари зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда эришилган ютуқлар, тажрибалар кенг таҳлил қилинди.

Тадбир журналистика соҳасида ўтказилган "Эҳтиром, эъзоз, эътироф" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Мазкур танлов "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилиб, 100 га яқин ижодкор 1000 дан ортиқ материаллари билан иштирок этди. Шулардан "Энг яхши мақола", "Энг яхши теледастур", "Энг яхши эшиттириш", "Энг яхши ижтимоий ролик" ва "Энг яхши интернет-сайт" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

Тақдирлаш

## САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

**Пойтахтимиздаги "Wyndham" меҳмонхонасида "ОАВнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ахборот, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқлари ҳаётда амалий ифодаларини топаётгани, бу эса ОАВнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимида эгаллаган ўрни янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.**

(Давоми 2-бетда).



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «БУНАҚАСИ ФАҚАТ ТОЛБУЛОҚДА БЎЛСА КЕРАК!»

Газетанинг шу йил 25 ноябрдаги 94-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Ангреннинг Толбулоқ шаҳарчасида аксарият мактаб ва боғчаларда иситиш тизимлари яхши ишламаётгани, кўп қаватли уйларда ҳам аҳвол яхши эмаслиги хусусида далиллар асосида фикр юритилган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан Ангрен шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Э. Қорабоев имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, шаҳарчадаги марказлашган иссиқлик тизими объектив ва субъектив сабабларга кўра ишламайди. Шунинг учун таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида учта умумтаълим мактабига кўплаб мурожаатлардан сўнг қозонхоналар қурилиб, иссиқлик билан таъминланмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида ҳам алоҳида қозонхоналар қуриш ва ўрнатиш масаласида шаҳар ҳокимлиги ва молия бўлимига мурожаат қилиниб, 2016 йил дастурига киритиш ҳақида таклиф берилди ва назоратга олинди. 29-мактабгача таълим муассасасида ҳам марказлашган иссиқлик тизими ишламагани сабабли қиш мавсумида рухсат берилган электр иситгичлардан фойдаланилмоқда. Қўшимча равишда эшик ва дераза ромлари зичлаштирилди.

Шунингдек, барча мактабгача таълим муассасаларига алоҳида иситиш қозонлари ўрнатиш ҳақида шаҳар ҳокимига мурожаат қилиниб, 2016 йил дастурига киритилиши назоратга олинган.

Янги йил – 2016

# ҚИЗҒИН ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

**Вилоятимизнинг деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларида ҳам байрамолди қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилмоқда. Аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаш, бозорда нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида ташкил этилган анъанавий ярмаркага вилоятдаги таъминотчи корхоналар, агрофирма ва фермер хўжаликлари, паррандачилик фабрикалари бириктирилган. Уларга ҳар бир савдо нуқтасида тўлов терминали ўрнатиш, маҳсулотни сифатли ва арзон нархда етказиб бериш ҳамда сотиш бўйича вазифалар белгилаб берилган.**



Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Янгийўл, Оққўрғон, Чиноз туманларидаги деҳқон бозорларида ана шундай ярмаркалар фаолият олиб бормоқда.

"Чиноз деҳқон бозори" ҳудудида ташкил этилган ярмаркада мева-сабзавот, полиз, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик маҳсулотлари нисбатан арзон нархларда сотилмоқда.

– Рўзғор учун зарур бўладиган маҳсулотларни шу ердан олмоқдамиз, – дейди чинозлик Ҳуринисо Рўзимуҳамедова. – Бугун ярмаркадан гўшт, тухум, картошка ва пиёз харид қилдим. Уларнинг сифати юқори, нархи нисбатан арзон. Янги йил байрами арафасида давлатимиз томонидан аҳолига яратилаётган бундай қулайликлардан миннатдормиз.

Чиноз тумани ҳокимлигидан маълум қилишларича, Янги йил байрамини кўтаринки кайфиятда, катта шодиёна билан нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Туманнинг диққатга сазовор жойларида бунёд этилаётган "Эртаклар шаҳарчаси"да Янги йил байрами томошалари 27 декабрь куни бошланади. Тадбир доирасида турфа ўйинчоқлар, совғалар, китоблар, ўқув қуролларининг кўргазма-ярмаркаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Байрамда болажонлар эътиборига театрлаштирилган томошалар, цирк, ёш ижрочилар иштирокидаги концерт ва мусиқий дастурлар ҳавола этилади. Ўқувчилар учун турли қизиқарли викториналар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Айни пайтда савдо мажмуалари, корхона ва ташкилотлар атрофи, кўча ва йўл четларидаги арчалар байрамона ясатилмоқда. Дарахтлар ва биноларга ранг-баранг чироқлар ўрнатилаётир.

Кириб келаётган янги йилни муносиб кутиб олиш, кенг нишонлаш, тинч-осойишта ўтказиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли профилактик тадбирлар амалга оширилаётир.

Тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани яхши самара бераётир. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида "Огоҳлик – давр талаби", "Ўз уйингни ўзинг асра!" мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Янги йил шодиёналари вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида, маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонларда ҳам ташкил этилмоқда. Мазкур жараёнда эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

Айнан Бош қомусимиз туфайли бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз қисқа давр ичида эришган оламшумул зафар ва ютуқларни бутун дунё эътироф этаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳар қандай демократиянинг асосий шарти бўлмиш ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи асосида ўтган йилларда туб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича кўлами ва мазмун-мазмунига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Натижада, Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсимотини мақбуллаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди. Улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принципи ва тартиби ўзгартирилди, ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари Кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Жумладан, Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимига номзодни умумхалқ сайловларида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олишга муваффақ бўлган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши каби муҳим тамойил киритилди.

Бош қомусимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш тамойилларининг мустаҳкамланганини ҳам ҳокимиятни демократик янгилашда улкан аҳамият касб этди. Асосий қонунимизга Парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар киритилиши натижасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилди.

Шубҳасиз, сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани сиёсий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартига айланмоқда.

Асосий қонунимизнинг 117-моддасига киритилган сўнгги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва, шунингдек, унинг асосий фаолиятлари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

**Элдор ТЎЛАКОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тақдирлаш

# САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Тадбир якунида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди эълон қилган, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ўтказилган "Жамият ва мен", "Инсон ҳуқуқлари – журналист нигоҳида" танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Ҳайъат аъзолари республикада фаолият юритаётган газета, журнал ва веб-сайтлар тақдим этган 2500 га яқин ижодий ишларни ўрганиб чиқди ва энг муносибларнинг номини бирма-бир эълон қилиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Қувонарлиси, "Жамият ва мен" танловининг "Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал" номинацияси бўйича "Тошкент ҳақиқати"нинг ўз мухбири Даврон Аҳмедов ғолиб деб топилди.

**Нозима РАСУЛОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

**Якунланиб бораётган 2015 йил ҳадемай, эл-юрт ҳаётининг ёрқин саҳифаларидан бири сифатида тарихга абадий муҳрланади. Хўш, ўтаётган йилимиз "Кексаларни эъзозлаш йили" сифатида қандай хайрли амаллари билан ёдда қолаётир?**

**"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори Мирғиёс Мирзаҳмедов бу ҳақда "Тошкент ҳақиқати" мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.**

# ЭНГ БОҚИЙ АНЪАНА

– Бўлимимиз "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширган энг муҳим ишлар хусусида аввало, барча байрамларда нуронийларни йўқлаб, моддий-маънавий қўллаб-қувватлангани, тиббий кўрикдан ўтказиб, дори-дармонлар билан таъминлангани, республикамиздаги муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, "Маҳалла" жамоат фонди билан ҳамкорликда 2015-2017 йилларда амалга ошириш режалаштирилган дастурга мувофиқ уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож 1000 дан зиёд кексаларнинг уйлари, кўп қаватли бинолардаги хонадонлари ҳомийлар ёрдами ва ҳашар йўли билан жорий, зарурати бўлганда эса мукаммал таъмирлаб, ҳовли-жойлари ободонлаштириб берилди. Улар йил бошиданоқ қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, рўйхат асосида дори-дармонлар бепул берилди. Шунингдек, улар санаторий-соғломлаштириш муассасаларида даволанди.

Рамазон ҳайити Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баённомасида кўрсатилганидек, ҳамма шаҳар ва туманда "Нуроний" жамғармаси бўлимлари раислари ва фаоллар иштирокида кенг байрам қилинди. Жамғарма бўлимлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида вилоятдаги 28 та муқаддас қадамжо, 548 та қабристон, 4 та тарихий обида ва уларнинг атрофи орасталаниб, ободонлаштирилди. Бу хайрли ишларда 23 мингдан зиёд фахрийлар иштирок этишди. Байрам кунлари табаррук ёшдаги қариялар, ёлғиз кексалар совға-саломлар билан йўқланди, ҳовли-жойлари тартибга келтириб берилди. Ҳомийлар иштирокида 2340 нафар фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, 44 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйларига меҳр-мурувват ёрдами берилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги байрами вилоятимизда ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда ва кенг кўламда нишонланди. Байрам совға-саломлари ва мурувват ёрдамларидан ташқари, меҳнат фахрийлари учун "Афросиёб" тезюрар поездида Самарқанд шаҳрига зиёрат уюштирилди. Кексалар қадимий Афросиёб, Регистон, Шоҳизинда, Гўри Амир, Мирзо Улуғбек расадхонаси каби тарихий обидаларни томоша қилиб, завқланишди. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, ушбу улуғ бобокалонимизнинг ҳаёт тарзи ва ижодий фаолиятига оид қўшимча маълумотларга эга бўлдилар.

Кексаларни эъзозлаш йилида қўл урилган янгиликлардан бири шу бўлдики, вилоятда тўй-ҳашамларни, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликлардан ҳоли, миллий ва диний қадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос ва хос тарзда ўтказиш ҳақида вилоят ҳокимлигининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, тўй-ҳашам, маърака ва бошқа тантанали маросимларни ихчам қилиб ўтказилишини назорат қилувчи ишчи гуруҳи тузилиб, фаолият бошлади. "Нуроний" жамғармаси бўлимлари раислари ва фаоллари шу ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Пировардида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, юрт кексаларини эъзозлаш, ҳурматларини жойига қўйиш биз, ўзбекларга хос инсоний фазилатдир. Бинобарин, қарияларни қадрлаш, меҳр-оқибат кўрсатиш энг хайрли анъана сифатида боқий давом этаверади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

Огоҳлик

# БУЗҒУНЧИЛАР ЎЛЖАСИ КИМ?

**Мана, Кексаларни эъзозлаш йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Янги йил остонасида туриб, келгуси йилнинг режаларини хаёлан тасаввур қиламан. Анъанага кўра, келаётган 2016 йилимиз Юртбошимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Бундан қувониш билан бирга биз, тиббиётчиларга улкан масъулият юкланишини ич-ичимдан ҳис қиламан. Ахир соғлом авлодни вояга етказишда биринчи навбатда оналаримиз соғлом бўлиши керак. Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини эса барчамиз яхши тушунамиз. Соғлиқ, тинчлик бўлган юртда эса ҳар томонлама баркамол фарзандлар вояга етади.**

Бироқ, шу тинч, осойишта юртимизни кўролмай, бузғунчи ғоялари билан ёшларимиз онгу шуурига рахна солишга уринаётган ғаламислар афсуски, учраб турибди. Тинч аҳоли орасида хорижга мўмай даромад топиш илинжида кетган айрим юртдошларимиз ўзлари билиб-билмай, нопок йўлларга кириб қолаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Баъзида маҳаллаларда ўтказилаётган тиббий кўрик ва бўлғуси оналар билан суҳбатларда маҳалла аҳли хорижга кетган қўни-қўшниси анча йиллардан бери келмаётганини айтиб қолади. Бизга тегишли бўлган ҳудуд аҳолисининг саломатлиги билан бевосита шуғулланаётганимиз боис, ўша фуқароларни рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бироқ, улар ичида 7-8 йиллаб келмай юрганлари бор. Хонадон соҳиблари хорижга кетган яқинининг у ёқда нима иш билан машғул бўлаётганини ўзлари ҳам аниқ билишмайди. Шундай пайтда ҳақли савол туғилади. Хорижга кетган ўша маҳалладошларимиз ўзга юртда бирон-бир экстремистик гуруҳларга қўшилиб кетишлари хавфи йўқлигига ким кафолат беради? Ҳозир дунёда нима кўп, бузғунчи кўп. Ўзларининг мудҳиш режаларини амалга ошириш пайида юрган бундай тўдаларга касб-кори, маълумотининг тайини йўқ, айрим ғўр ёшларимиз яхшигина "ўлжа" бўлмоқда.

Нима бўлганда ҳам, Ватанга, юртга бўлган хиёнатни ҳеч қачон кечириб бўлмайди. Ёшларимиз буни англаб етишлари керак. Бунинг учун фақат маҳалла, тиббиёт ёки ички ишлар ходимлари эмас, барча соҳа вакиллари, кенг жамоатчилик биргаликда курашишимиз, кўча-кўйда учраган турли миш-мишларга учмай, доимо сергак туришимиз лозим.

**Сирожиддин БЎРИЕВ,**
**Зангиота туманидаги кўп тармоқли поликлиника умумий амалиёт шифокори.**

Таълим

# ИМКОНИЯТЛАР ЧЕКСИЗ

Бу ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келаяпти. Шунингдек, кутубхонадаги 30 мингдан зиёд ўқув қўлланма ва адабиётлар ўқувчилар ихтиёрида.

– Кутубхонада китоб мутолаа қилаётган ёшларни кўриб, қувонаман, – дейди коллеж руҳшуноси Ҳилола Мирзааҳмедова. – Зеро, китоб билим манбаи. Уни мунтазам мутолаа қиладиган одамнинг онгу тафаккури ва дунёқараши кенг ривожланади.

Коллежда ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, истеъдодларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, коллеж ёшлари турли мусобақаларда ғолиб бўлишмоқда. Жумладан, каратэ йўналишида Шодия Эргашева 2012 йил Ўзбекистон чемпиони, 2013 йил Жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллаб, қора белбоғ соҳибаси бўлди. Қолаверса, 40 дан ортиқ медаль ва дипломлар коллежнинг довруғини янада юксалтирмоқда.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# УЙҒУНЛИК БЎЛСА

**Ҳар бир ўқувчи ўзига хос бир олам. Турли қараш, турли қизиқиш ва интилишлар ҳеч қачон устоз ва мураббийлар назаридан четда қолмайди. Зеро, ўқувчининг қобилияти, қизиқишларини доимий эътиборга олиб бориш ва тўғри ёндашиш тарбияда муҳим аҳамиятга эга.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, Бекобод шаҳар техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 106 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталари ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини, касбларга қизиқишини ривожлантиришда турли услублардан фойдаланишмоқда. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга тўғри йўналтириш мақсадида коллежимизда 26 та фан ва спорт тўгараклари ишлаб турибди. Уларга 1167 ўқувчи жалб этилиб, 50 дан зиёд ўқитувчи машғулотларни бир маромда олиб боришади.

Ўқувчиларга чуқурроқ билим бериш мақсадида яратилган барча замонавий шарт-шароитлар, янги дарслик ва услубий қўлланмалар, мультимедиали илова ва кўргазмали воситалар яхши самара бермоқда. Энг муҳими, дарс билан тўгарак машғулотлари уйғунликда ташкил этилаётгани ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касбга қизиқишларини ошираяпти.

Одам савдоси, оммавий маданиятчилар ортидан эргашиб, ўзлигини унутиш, вояга етмай, жиноят кўчасига кириб қолиш, ҳали оила қуришга тайёр бўлмай туриб турмушга чиқиб, эрта ҳомиладор бўлиш каби муаммоларга қарши курашиш мақсадида коллежимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан гуруҳ раҳбарлари ҳамкорликда иш олиб боришаяпти. Гуруҳ раҳбарларига давомати паст ўқувчилар назоратини кучайтириш, сабабсиз дарс қолдириш, тарбиясида нуқсони бор ўқувчиларнинг юриш-туришини ўрганиш, кийиниш одобига риоя қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларидан хабардор бўлиш вазифаси юклатилди.

Мен гуруҳ раҳбарлари кенгаши раиси сифатида имкон қадар гуруҳлардаги таълим-тарбияни назорат қилиб бораман ва, албатта, ҳар бир гуруҳ раҳбарининг ўз ўқувчилари билан дўстона мулоқотда иш олиб боришини талаб қиламан.

**Нигора КОМИЛОВА,**
**коллеж ўқитувчиси.**

Томорқа – туганмас хазина

# ҲАР ҚАРИЧИ ДАРОМАД

**Томорқадан қандай фойдаланиш ва қанча даромад олиш унинг эгасига боғлиқ. Бўка тумани "Хўжакўрғон" маҳалласида томорқасидан унумли фойдаланаётган хонадонларни айланиб, шундай хулосага келдик.**



– Маҳалламизда 571 хонадон бор, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Маматов. – Улар тасарруфидаги томорқа 86 гектар. Маҳалладошларимизнинг аксарияти тажрибали томорқачи бўлиб, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, турмушларини фаровон қилишмоқда.

Акбар ота Одилов раис таърифлаган шундай уста деҳқонлардан. 20 сотих томорқанинг 2 сотихи иссиқхона бўлиб, ўтин ёқишга мослашган.

– Биринчи ҳосил оладиган йилимиз қиш қаттиқ келиб, кўчатларни совуқ урди, – дейди Акбар ота. – Лимон совуққа чидамсиз. Шунинг учун ўғилларимга иссиқхонани бир ярим метр чуқур қилиб қаздирдим. Керакли ўғитларни солиб, қайтадан 30 туп лимон ўтқаздик. Тўрт йилда ҳосилга кирди. Бу йил ҳар бир кўчатдан 10-15 килограммдан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Сўнгги ҳосилни йиғиштириб олгач, кўчатлар тагига ошкўк, помидор, бақлажон, булғори ва турли гул кўчатлари экамиз.

Хонадон соҳибаси Аклимахон Одилованинг айтишига қараганда, маҳалладошларига имкон даражасида ёрдам бериб туришаркан. Айниқса, қиш кунлари шамоллаган қўни-қўшниларига 2-3 дона лимон, ошкўклардан арзонгаровга беришаркан. Шунингдек, экиш мавсумида кўчатларни айрим қўшниларга бепул тарқатишар экан.

Ҳовлининг бир четига экилган ошкўклар яшнаб турибди. Яна 2 сотихча ер экин экиш учун тайёрлаб қўйилган.

– Бу ерга янги йил арафасида редиска сепамиз, – дейди А. Одилова. – Қишнинг айни ўртасида тайёр бўлади. Ўзимиздан ортганини бозорга чиқариб, рўзғорнинг кам-кўстига ишлатиб турибмиз.

Қайтишимизда Акбар отанинг кенжа ўғли Муродилла бир гапни айтиб қолди:

– Томорқамиз ёнидан ўтган ариқ 2 метрча паст бўлгани учун насос билан сув чиқарардик. Шу боис томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик. Мана, натижасини кўриб турибсиз.

Дарҳақиқат, тепаликдаги томорқага сув чиқариб, мўл ҳосил етиштириб, рўзғорини бутлаётган ушбу хонадоннинг томорқа тутумидан қўни-қўшнилар, бутун маҳалла аҳли баҳраманд эканига гувоҳ бўлдик.

Йўл-йўлакай маҳалла раиси яна бир хонадонга олиб кирди. Файзулла ота Тошхўжаев хонадонидаги 2 сотихли иссиқхонада лимон пишиб етилибди. Ўтган йили 40 туп лимондан 2 тонна ҳосилни улгуржи нархда уйидан олиб кетишибди. Томорқанинг 10 сотихига эрта баҳорда карам, помидор, бодринг, булғори ва бақлажон экишаркан. Эҳтиёждан орттириб, 2 тонна карам, 1,5 тонна картошкани бозорга чиқаришаркан.

– Томорқамиз бошига мўъжазгина тегирмон қурганмиз, – дейди Фахриддин Тошхўжаев. – Замонавий дастгоҳда қўни-қўшнилар олиб чиққан буғдойларини ун қилиб берамиз. Тегирмон хизмати учун тўпланган унни маҳаллага сотамиз, ортганини бозорга олиб чиқамиз.

Мухтасар айтганда, хўжакўрғонликлар томорқадан унумли фойдаланишнинг мақбул йўлларини топишган.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ**
**олган сурат.**

Сўранган эдингиз

***Уй-жой фонди тушунчаси ва турлари ҳақида маълумот берсангиз?***

А. АЗИЗОВА, Зангиота тумани.

# УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ТУРЛАРИ

– Уй-жой фонди хусусий ва давлат уй-жой бандларидан иборатдир.

Фуқаролар мулки бўлган уй-жой фондига якка тартибда қурилган уйлар, хусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой қуриш ҳамда уй-жой кооперативларига қарашли уйлардаги пай бадаллари тўлиқ тўланган квартиралар, фуқаролар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олган квартиралар ва уйлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки аукционда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фонди киради.

Давлат уй-жой фондига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципиал уй-фой фонди киради.

Тураржойга уйлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга тураржойлар киради.

**Саволга нотариус Моҳира СОДИҚОВА жавоб берди.**

ЭЪЛОН

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2015 йил январь-декабрь ойлари учун қуйидаги:

– 1-K shakli ойлик ва 1-MDS shakli, 2-invest qurilish shakli чораклик давлат статистика ҳисоботларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан;

– 1-QX shakli (йилда 2 марта) 1-qurilish shakli, 3-S shakli, 1-transport shakli чораклик давлат статистика ҳисоботларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан;

– 6-kom shakli ва 7-kom shakli йиллик 2016 йил 5 январдан, 1-RM shakli 14 январдан, 1-ta'lim (MT) shakli, 2-eko shakli ва 3-eko shakli 15 январдан 4-qurilish shakli 26 январдан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Бошқармада ташкил қилинган 0-371-230-86-57, 230-86-58 "Ишонч телефонлари" орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

«SUPER DVERI» МЧЖ
жамоаси
барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
Янги – 2016 йил
билан қутлайди.
Соғлом она ва бола йили ҳар биримизнинг
хонадонимизга фақат яхши кунлар
хурсандчиликларини олиб келсин.



Янги йил муборак, азизлар!

Ҳангома

# ЧАРХПАЛАГИМДАН АЙЛАНАЙ

Мирали уста ҳамқишлоғи Ғулом хираникида бир ҳафта ишлаб, янги иморат томини битирди. Ғуломнинг хотини қўй ёғига палов дамлади. Мирали устанинг ичкиликка суяги йўқ. Ғулом хира у билан кўп улфатчилик қилган. У дўконга чиқиб юрмай, ертўлага тушди. Кўлбола мусаллас солиб қўйганди, ичиб кўрди:

– Во, зўр бўпти-ку! Ични куйдиради-я!

Уч литрли идишга сузгичдан ўтказиб, лиммо-лим мусаллас қуйди. Ертўладан чиқаётиб, ўчоқ бошида куймаланиб юрган хотинига кўзи тушиб, бақирди:

– Ошинг дам едими? Шакароб ҳам қилдингми?

– Ҳозир, дадаси, ҳозир. Мана, ошни дамладим. Сизлар бир пиёла чой ичиб туринглар, беш дақиқада шакаробни ҳам тайёрлайман.

– Э-э, "обизамзам" турганида томоқдан чой ўтадими?!

Ош дам егунича, икки улфат идишнинг тагига етишди. Ош олдидан уй эгаси яна ертўлага шўнғиб чиқди. Шиша яримлагач, Ғулом хиранинг ёдига нимадир тушиб, хотинини чақирди.

– Лаббай, дадаси.

– Уста ҳақи қани?

– Ҳозир дадаси, ҳозир. Мана, тийин-тийинигача санаб, рўмолчага тугиб қўйганман. Аммо...

– Нима, аммо?

– Шу десангиз, дадаси, анчагина маст бўлиб қолдингиз. Пулни эрта билан ўзим етказиб берсам девдим.

– Иби, шунча пулни хотин кишига ишониб бўладими?

– Ундай бўлса, дадаси, уста акани ўзингиз кузатиб келинг. Шунча пул билан ёлғиз кетмасинлар.

– Бор-ей, уйга кир. Ўзим биламан нима қилишни. Қани, ошна, мана иш ҳақинг. Энди ўзим сени...

Ғулом хира рўмолчага тугилган бир даста пулни устанинг қўлига тутқазди. Кейин бир-бирларини суяб, ташқарига чиқишди. Ҳамдам канали кўпригидан ўтаётиб, гап талашишди.

– Нима, берган пулингга норози бўлаяпсанми? Ундай бўлса, бу пул менга керак эмас.



Мирали уста жаҳл устида рўмолчага тугилган пулни Ҳамдам каналига улоқтирди.

– Вой "дурак", вой аҳмоқ. Шунча пулни сувга оқизиб юборди-я? Мен сени туппа-тузук уста десам, қип-қизил жинни экансан-ку! Бор-э, билганингни қил, каллаварам.

Ғулом хиранинг кайфи тарқаб кетди. Алам-аччиқ билан ортига бурилганича, жўнаворди.

Мирали уста тун қоронғусида уйига кириб келди.

– Вой шўрим, дадаси, шунчаям кўп ичасизми? Афти-ангорингизни қаранг? Одам кўрса ҳуркади-я! Қаерда шунча тупроққа қоришдингиз? Иш ҳақингизчи, қани?

– Қанақа иш ҳақи?.. Ҳа-я, пулни сўраяпсанми? Уни рўмолчаси билан каналга отиб юбордим.

– Нима?! Отиб юбордим? Нега? Рўзғорда ҳеч вақо қолмаган. Энди нима қиламиз? Одам дегани шунчалар ҳам аҳмоқ бўладими?

Хотин шўрлик жавраб-жавраб, йиғлаб-йиғлаб, эрини уйга олиб кириб, ётқизди.

Ўша куни Мирали устанинг хотини ҳовлидаги экинларга сув тараб қўйганди. Ҳовлига сув Ҳамдам каналидан чархпалак орқали чиқади. Тонгда устанинг хотини экинлардан хабар олгани борганида, сувда ётган тугунчага кўзи тушди. Шошиб тугунчани очиб қараса, целлофан халтага ўралган бир даста пул қуп-қуруқ турибди. Севинганидан уйга чопди:

– Дадаси, ҳой дадаси. Суюнчи беринг, пулни топдим. Чархпалагимдан айланай...

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## АГЕНТ ТЎППОНЧАСИНИ ЎҒИРЛАТДИ

**АҚШ махфий хизмат агенти тўппончаси, кўкрак нишони ҳамда кўп маълумотлар қайд этган флэшкасини ўғирлатиб қўйгани учун интизомий жазога тортилиши мумкин.**

Fox News агентлигининг ёзишича, ушбу ўғирлик Вашингтонда, агентлик штаб-квартирасининг шундоққина ёнида куппа-кундузи содир бўлди. Ўғри агентнинг қаровсиз қолдирган автомашинаси эшигини очиб, пластик пакетдаги буюмларини ўмариб кетди. Унинг флэшкасида нималар борлиги ҳақида маълумот берилмаяпти. Махфий хизмат ходимлари ушбу ҳодисани тасдиқлашди-ю, аммо, қўшимча изоҳлар беришдан бош тортишди. Шу боис махфий агент йўқотган буюмлар рўйхати анча узун бўлиши мумкин. Фақат шуниси маълумки, ушбу агент президентни қўриқлайдиган отряд ходими экан.

Умуман, кейинги пайтда махфий хизмат ходимлари фаолиятига кўп эътирозлар билдирилаяпти. Хусусан, кейинги 10 йил давомида ушбу хизмат қўриқлайдиган объектларда хавфсизлик 143 марта бузилган.

## ЗИМБАБВЕНИ АМАЛДА КИМ БОШҚАРАЯПТИ?

**The Guardian газетаси тарқатган хабарда айтилишича, Зимбабвенинг 91 ёшли президенти Роберт Мугабенинг рафиқаси Грейс Мугабе эрининг давлат бошлиғи сифатидаги лавозимини ўз қўлига олганга ўхшайди.**

Мамлакатнинг мухолифатчи "Демократик ўзгаришлар йўлидаги ҳаракат" партияси етакчиси Морган Цвангираи ушбу газетага берган интервьюсида шу фикрни айтди. Унинг сўзларига қараганда, Зимбабведа "сарой тўнтариши" юз бериб, мамлакат ҳукумати 50 ёшли Грейс Мугабе қўлига норасмий ўтган. Партия етакчиси таъкидладики, президентнинг рафиқаси "мамлакатни иштиёқ билан бошқаришга киришди". Ҳақиқатан ҳам, кейинги ойларда Грейс хоним мамлакат сиёсий майдонларида тобора танилиб бораётганини қайд этди газета. 2014 йилнинг декабрида у ҳукмрон "Ватанпарвар фронт" партиясининг раҳбарлик лавозимларидан бирини эгаллаганди.

Бугунги кунда Роберт Мугабе мамлакатнинг энг кекса амалдаги раҳбари ҳисобланади. У 2013 йилда навбатдаги президент сайловларида ғолиб чиққан эди. Ҳукмрон "Ватанпарвар фронт" партияси эса 2018 йилда бўладиган навбатдаги президент сайловларига ҳозирданоқ унинг номзодини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Зимбабве президенти 54 та мамлакатни бирлаштирган Африка иттифоқининг раиси ҳам ҳисобланади.

## БИР ГУРУҲ ТЕРРОРЧИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

**Франциянинг куч қўлловчи органлари Малининг Бамако шаҳридаги Radisson Blu меҳмонхонасига қилинган ҳужум учун жавобгарликни ўз бўйнига олган гуруҳга қарашли ўнга яқин террорчини йўқ қилди.**

Ушбу махсус операциядан мақсад "Ал-Мурабитун" террорчилик гуруҳини йўқ қилиш эди. Чунки ушбу гуруҳ жангарилари Мали ва Нигер давлатлари фуқаролари, маҳаллий ҳамда халқаро хавфсизлик кучлари ҳарбий хизматчиларига қилинган қатор ҳужумлар учун жавобгар эдилар. Жанговар тўқнашув қарийб тўрт соат давом этди. Ўнга яқин террорчилар йўқ қилинди. Иккита "Пикап" автомашинаси ва 10 та мотоцикл қўлга олинди. Шунингдек, катта миқдорда қурол-яроғ ва портлатиш мосламалари топилди.

XXI аср ва дунё



## КАТАЛОНИЯ ҲУКУМАТИГА КИМ РАҲБАР БЎЛАДИ?

**Reuters агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Каталония сепаратистлари янги минтақавий ҳукумат таркиби хусусида олдиндан келишувга эришганлар.**

Таъкидланишича, ижроия ҳукумат органи Испаниянинг мустақил минтақаси ҳуқуқини қўлга киритиш йўлидан боради. Унинг таркибига ўта сўл "Халқ бирлиги номзодлари" шунингдек, "Биргаликда мустақиллик учун" блоки вакиллари, жумладан, Артур Мас бошқараётган "Каталониянинг демократик конвергенцияси" партияси вакиллари киради. Ушбу сиёсий ташкилотлар иқтисодий тараққиёт режаси, шунингдек, ҳукумат бошлиғи бўладиган номзод, яъни Артур Мас хусусида келишиб олишди.

Артур Мас 2014 йил ноябрда Каталония мустақиллиги хусусида референдум ўтказишини эълон қилганди. Бироқ, Испания парламенти буни қўллаб-қувватламади. Шунга қарамай, партия етакчиси референдум уюштирди ва 80 фоиз каталонияликлар Испаниядан ажраб чиқиш ғоясини маъқуллашди. Аммо, расмий Мадрид уни ноқонуний ҳисоблади ва Масни давлат маблағларини нотўғри сарфлаганликда ҳамда хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айблади. Энди у бир йилга қамалиши ва ўн йил давомида давлат муассасаларида лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин.

## СОХТА ПОЧТА МАРКАЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**Франциянинг Лион шаҳридаги Сент-Экзюпери аэропортида божхоначилар контрабанда юки – 81,6 минг сохта почта маркасини қўлга туширганлари ҳақида хабар тарқатди Le Monde нашри.**

Сохта юк Гонконгдан келтирилган 4 та пайвандлаш аппарати ичига яшириб қўйилган экан. Маҳаллий акциз идораси вакили Паскал Регарнинг айтишича, улар биринчи марта бундай юкни қўлга туширишган. Одатда эса, ушбу аэропортда сохта текстиль буюмлари, ўйинчоқ ва дори-дармонлар ушлаб қолинади.

Божхоначиларнинг таъкидлашларига қараганда, сохта маркалар юқори сифатли бўлиб, умумий қиймати 62 минг еврога тенг. Одатда бундай ускуналар денгиз транспорти орқали келтириларди. Бу сафар самолётда олиб келингани божхоначилар эътиборини тортган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бектош ИСМОИЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4710. Адади 7502. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.